

ФИҚҲ ИЛМИДА “МУХТАСАР” ЖАНРИДАГИ КИТОБЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Нодирбек Кабилович Турабоев

Тошкент ислом институти

“Ақоид ва фиқҳий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

Калит сўзлар: Мухтасар, ихтисор, матн, фиқҳ, мазҳаб, тафсир, ҳадис, мужтахид, зоҳирур-ривоя, наводир, шарҳ, фатво

Фиқҳ илми шаклланишининг дастлабки даврларида шариатнинг асоси бўлган Қуръони карим ва ҳадиси шарифдан чиқарилган ҳукмлар оғзаки бўлган. Ҳанафий мазҳабида тўлақонли асар ёзиш Имом абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг катта шогирди имом Абу Юсуфдан бошланган. У киши ўз устозларидан олган илмларни тартиблаб бир қанча китоблар таълиф қилганлар. Улардан баъзилари қуйидагилардир: «Китобул Осор», «Ихтилофи ибн Аби Лайло», «Ар-радду ʼала саяри Авзоʼий» ва «Китобул хароҷ». Ҳанафий мазҳабининг асоси бўлган китобларнинг ёзилиши эса Имом Абзам раҳматуллоҳи алайҳининг иккинчи шогирди имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг номлари билан боғлиқ. У зотнинг қилган муҳим хизматлари шундан иборатки, устозлари Абу Ҳанифа ва Абу Юсуфларнинг фиқҳини ривоят қилди ҳамда уларга ўзининг фатволарини ҳам қўшиб, ҳанафий мазҳабида “Зоҳирур ривоя” ва “Наводир” деб танилган қимматли туркум китобларини ёзди. “Зоҳирур ривоя” га олти асар қиради. Улар: «Китобул асл» (иккинчи номи «Мабсут»), «Китобуз-зиёдот»; «Китобул жомеъус-сағийр»; «Китобул жомеъул кабийр», «Китобус-сиярис-сағийр», «Китобус-сиярил кабир». “Наводир” га эса Имом Муҳаммаднинг бошқа баъзи китоблари, Имом Абу Юсуфнинг китоблари ва бошқалар қиради. Шу тариқа, аста-секин фиқҳий китобларни ёзиш ривожланиб бори. Бу эса ҳанафий мазҳабининг ривожланиши ва барҳаёт бўлишининг асосий омили бўлиб қолди. Демак, Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи айтган фиқҳий масалалар мажмуасига у кишининг қоидалари ва услублари асосида шогирдлари айтган масалалар қўшилиб, ҳанафий фиқҳий мазҳабини ташкил қилади[1.32].

Баён услуби, шаклига ва мартабасига кўра бир неча тур ва жанрдаги асарлар шаклланди. Матн, шарҳ, фатво ва бошқа турли услубларда ёзилган ҳанафий мазҳабидаги китоблар қанчадан-қанча фиқҳга доир масалалар билан тўлган. Улар орасида “мухтасар” деган алоҳида услуб ҳам борки, исломий илмларни ўрганишда унинг аҳамияти каттадир. Бунда муаллиф фуқоҳолар истинбот қилган ҳукмларни ҳеч қандай далилсиз, тўғридан-тўғри, тартибга

мувофиқ ёзиб келтиради. Китобларни қисқа ва кўп маъноларни ўзида қамраб олиши кераклигининг бир нечта сабаблари бор. Биринчидан, фатво берувчи одам қидирган масалаларни топишни қулайлаштириш бўлса, иккинчидан ислом динида таълим олиш, асосан, матнларни ёд олиш билан бирга амалга оширилади. Катта ҳажмдаги китобларни ёдлаш мушкул бўлса, кичиклари кўп нарсаларни қамраб ололмасди. Шунинг учун “мухтасар” деган жанр ўша давр талаби ўлароқ шаклланди.

“Мухтасар” сўзининг луғавий ва истилоҳий маънолари қандай? “Ан-наим” арабча-ўзбекча луғатида - مُخْتَصَرٌ 1) қисқартирилган, калта, қисқа; 2) қисқа баён этилган (ёзилган), мухтасар”[2.Б.228] деб келтирилади. **Уламоларнинг истилоҳларида** “ихтисор” учун кўп маънолар келган. Уларнинг барчаси: “маънонинг тўлиқлиги ила лафзнинг лўндалиги” ибораси атрофида айланади. Масалан, “ихтисор қилиш” - у нарсани ожайиштиришдир, баъзан у китобнинг масалаларини камайтиш билан бўлади, баъзан эса лафларни қисқартирса-да, маънони сақлаб қолиш билан бўлади[3.Б.7].

Абдуллоҳ Назир Аҳмад Мазий мухтасар жанрида ёзилган китобларни бир нечта турга бўлади.

Биринчиси: Асли мухтасар бўлган китоблар, масалан:

- Абу Шужоънинг (ваф.593х) шофеъийликдаги мухтасари, у “Ал-ғоя ват тақриб” деб номланади;
- Имом Қудурийнинг ҳанафийликдаги “Мухтасар”и ва бошқалар.

Иккинчиси: Муайян асл китобга тобеъ бўлган мухтасар бўлиб, уни қисқартирилган ва масалаларини қамраб олган китобдир, масалан:

- Ан-Насафийнинг (ваф.710х) ҳанафийликдаги “Қанзуд дақоик” китоби бўлиб, уни ўзининг “Ал-вофий” асаридан қисқартириб олган;
- Содруш-шарийъа Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг (ваф.745х) «Ниқоя» деб номланган мухтасари бўлиб, бу китобни ўзининг бобоси Маҳмуд ибн Содруш-шарийъанинг «Викоятур-ривоя фий масоилил Ҳидоя» номли китобини мухтасар қилиш – қисқартириш ила юзага келтирган;
- Ал-Ҳажовийнинг (ваф.968х) ҳанбалийликдаги “Зодул мустақниъ” китоби бўлиб, уни Ибни Қудоманинг (ваф.620х) “Ал-муқниъ” асаридан қисқартирган.

Учинчиси: Бунда мухтасар бир қанча аслларга тобеъ бўлиб, улардан қисқартирилган бўлади ва уларнинг масалаларини ўз ичига олади ва уларларнинг хулосаларини жамловчи бўлади. Гарчи бу китобларнинг баъзи соҳиблари уни мухтасар деб номламаган бўлсалар ҳам. Масалан:

- Муслийнинг (ваф.683х) “Ал-мухтор лил-фатво” асари;
- Ал-Марғинонийнинг (ваф.593х) “Ал-Ҳидоя шарҳи бидоятул мубтадий” асари [4.Б.135].

Мухтасар китобларнинг афзалликлари ҳақида ушбу услубга кўра китоб таълиф қилган уламолар ва бошқалар бир-бирини қўллаб-қувватловчи турли фикрлар айтганлар. Бурҳониддин Марғиноний "Бидоят алмубтадий" асарининг муқаддимасида " Мухтасарул Қудурий" ҳақида бундай ёзади: "Ёшлик чоғларимда фикҳ илмининг барча турларини қамраб олган ҳажми кичик, режаси кенг бир китоб ҳақида ўйлаб юрар эдим. Иттифоқо, сафар вақтида Қудурий қаламига мансуб "Ал-Мухтасар" билан таншдим ва уни энг гўзал, қисқа, ажойиб асар деб топдим [5.Б.22]. Машҳур "Мухтасарул виқоя" китобининг муаллифи фақиҳ Содруш-шарийъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд Бухорий Ҳанафий (в. 745х.) китобининг муқаддимасида шундай ёзади: "Лафзлари қисқа ва маънолари кўп бўлганлигидан, унга ўхшаш китоб ила замоннинг кўзига сурмаланмагандир. Лекин аҳли замоннинг кўпларининг ҳиммати уни ёд олишга қисқалик қилиб қолди. Бас, ундан энг керак нарсаларни ичига олган ҳолда ушбу "Мухтасар"ни туздим. Ким "Ҳидоя"нинг масалаларини ёдда сақлашни яхши кўрса, "Виқоя"ни ёд олсин. Кимни вақти шошириб қўйса, иноят жоловини ушбу "Мухтасар"га бурсин" [6. Б.135].

Ҳанафий мазҳабида "мухтасар" услубидаги китоблар кўп. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам шуҳрат топмади. Ҳижрий саккизинчи асрдан кейин яшаган ҳанафий мазҳабининг уламолари, алоҳида, "Ал-мутун ал-арбаъа" деб номланган тўртта китобни ажратиб кўрсатишган. Улар "Мухтор", "Канз", "Виқоя" ва "Мажмауль баҳрайн" асарларидир. Аммо кейинги олимлар "Ал-мутун ас-саласа" деб аталган учта китобга урғу беришди: "Виқоя", "Канз" ва "Мухтасар ал-Қудурий" [7.107,108]. Демак мазҳабимиз уламолари доимо ушбу беш асосий матн ("Қудурий", "Мухтор", "Канз", "Виқоя", "Мажмаул Баҳрайн") га таяниб келганликларини кўрамыз. Гапнинг ҳам қисқа ва лўнда бўлиши ортиқча кўп гапдан яхши эканлиги ҳаммага маълум. Мўътабар китобларда бу ҳақда кўплаб ҳикматли сўзлар келади. "Бир ҳаким зот деди: каломнинг яхшиси оз бўлса-да далолат қилувчи ва чўзилиб кетмагандир, бўлмаса малоллантириб қўяди"[8.Б.17].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, исломнинг аввалги даврида тафсир, ҳадис, ақоид ва бошқа илмлар каби, фикҳ илми ҳам алоҳида илм шаклида ажралиб чиқмаган эди. Аста-секин ислом оламининг турли жойларида фақиҳ уламолар етишиб чиқа бошладилар. Дастлабда фикҳ илми доирасидаги асарлар ёзилишига кўра мураккаб бўлиб, тартибли эмас эди. У даврнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб масалаларни ва фатволарни жамлашга эътибор қаратганлар. Кейинчалик эса китобларни тушуниш ва таълим бериш учун қулайлаштириш зарурати туғилди. Шундай қилиб тарихий заруратга кўра таълим олувчининг зеҳнида осон жойлашиши учун мукаммал тарзда тартибланган ва иборалари қисқа, шу билан биргаликда кўп маълумотларни ўзида жамловчи китоблар

яратила бошлади. Фикҳ илмининг тараққиётида энг салмоқли аҳамиятга эга бўлган китоб ёзиш услуби “мухтасар” дир. Ҳозирги даврда ҳам бу турдаги китоблар фикҳни ўрганишда энг асосий манбалар бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Мазҳаблар – бирлик рамзи, Ҳилол нашр, Тошкент, 2014
2. Ан-наим, арабча-ўзбекча луғат, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент, 2003
3. Ибн Қудома, Алмуғний шарҳи мухтасарил Хиракий, 1-жуз
4. Абдуллоҳ Назир Аҳмад Музий. Мухтасарул Қудурийнинг ҳанафий фикҳидаги ўрни. **Dr Muhammad Hamidullah Library, IIU, Islamabad.** <http://iri.iiu.edu.pk/>
5. Бурҳонуддин Али ибн Абу Бакр ал-Марғиноний. Бидоятул мубтадий, Ал-Қоҳира, Матбаъат ал-футуҳ, 1936.
6. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Кифоя 1-жуз. Тошкент, Шарқ, 2008
7. Абдулҳай Лакнавий, Алфавоидул баҳия фи тарожимил ҳанафия, 1324 ҳ.
8. Абдуллоҳ ибн Муҳамма Аш-Шибровий, Унвонул баёнва бўстонул азҳон, Дору ибн Ҳазим, Байрут, 2010